

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ

Рўйхатга олинди “Тасдиқлайман”  
№ \_\_\_\_\_ “ТИКХММИ” МТУ ректори  
« \_\_\_\_\_ » 2022 й. Б.С.Мирзаев  
«26» 11 2022 й.



60812300 – “Сув хўжалиги ва мелиорация” бакалавриат таълим йўналиши  
учун битирув малакавий иши олди амалиётини ўтказиш бўйича

ДАСТУР

Тошкент-2022 й.

Амалиёт дастури “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида ишлаб чиқилди.

#### Тузувчилар:

- Бегматов И.А. - ТИҚХММИ, “Ирригация ва мелиорация” кафедраси мудири, техника фанлари номзоди, профессор.
- Хамидов М.Х. - ТИҚХММИ, “Ирригация ва мелиорация” кафедраси профессори, кишлок хўжалиги фанлари доктори.

#### Такризчилар:

- Нокулов У. - ТошДАУ, “Дехқончилик ва мелиорация асослари” кафедраси профессори, кишлок хўжалиги фанлари доктори. *(турдош ОТМ)*;
- Муратов Қ.Д. - Ўзбекистон Республикаси СХВ Суғориладиган ерларни мелиорациялаш ва сув хўжалигини механизациялаш бошқармаси бошлиги *(кадрлар буюртмачиси)*.
- Абдураззоков Ж.Б. - Ўзбекистон Республикаси СХВ Сув ресурслари ва сувдан фойдаланиш бошқармаси Сув ресурслари ва сувдан фойдаланиш бошқармаси бошлиги *(кадрлар буюртмачиси)*.

Амалиёт дастури “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги “\_\_\_” -сонли баённома).



## КИРИШ

Гидромелиорация факультетининг 60812300–“Сув хўжалиги ва мелиорация” бакалавриат таълим йўналишининг 5 семестрда 2 хафталик қидирув-танишув амалиёти талабаларни ирригация ва мелиорация тизимининг хусусиятлари билан атрофлича таништириш, сув хўжалигини бошқаришда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари таркиби, тузилиши, иш жараёнлари билан танишиш, ирригация ва мелиорация соҳасидаги ишлаб чиқаришдаги муаммоларни ўрганишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни кенг жорий этиш белгиланган. Шу жиҳатдан, Республикамизда ғўза ва кузги бўғдойни турли сув тежамкор суғориш усулларини кенг жорий этиш орқали суғориш сувларини тежаш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изланишлар долзарб ҳисобланади.

Республикамиз шароитида суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг унумдорлигини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили ва сифатини ошириш-ерларнинг мелиоратив ҳолатига бевосита боғлиқдир.

Авваламбор ирригация ва мелиорацияси деганда экинлардан юқори, барқарор ҳосил олиш мақсадида тупроқнинг ҳосилдорлигини ошириш ва ёмон табиий шароитларни тубдан яхшилашга йўналтирилган техник, ташкилий-хўжалик ва ижтимоий-иқтисодий тадбирлар комплекси тушунилади.

Мелиорация қишлоқ хўжалиги ривожланишига фаол таъсир қилади, аҳолининг турмуш тарзи ва фаолиятини яхшилашга ёрдам беради.

Мелиорация қишлоқ хўжалиги учун керак бўлган йўналишда тупроқнинг сув тартибини ўзгартириб, шу билан бирга унинг ҳаво, иссиқлик, агробиологик тартибларига таъсир қилади ва тупроқнинг ҳосилдорлигини оширади. Юқори ҳосил олишга яхши шароит яратади.

Дунёда аҳоли сони шиддат билан ўсаётган, иқтисодиёт тармоқларининг жадал суръатлар билан ривожланаётган бир пайтда табиий неъматлар – сув ва ер ресурслари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда.

Шундай мураккаб шароитда сув ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланиш, тупроқнинг мелиоратив ҳолати ҳамда унумдорлигини яхшилаш орқали экинлар ҳосилдорлигини ошириш – давр талабидир.

Республикамиз шароитида суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг унумдорлигини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили ва сифатини ошириш-ерларнинг мелиоратив ҳолатига бевосита боғлиқдир.



Қарорда таъкидланишича, юртимизда 4487 километр ирригация тизими каналларини, 5250 километр суғориш тармоғини, 3636 та гидротехника иншоотини, 495 та насос станциялари (агрегатлари)ни ва 1500 та тик суғориш қудуқларини, шунингдек, 7500 километр коллектор-зовур шахобчаларини, 13 та мелиоратив насос станциялари ҳамда 185 та тик зовур қудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш талаб этилади.

Сув ва ер ресурсларининг самарадорлигини ошириш учун деҳқончилик, гирригация ва мелиорация соҳасидаги илм-фан ютуқларини қўллаш орқали суғориладиган ерларни комплекс қайта тузиш, гидромелиоратив тизимларини такомиллаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш, замонавий унумли ва тежамкор суғорма деҳқончилик тизимини яратиш зарур.

“Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3702-сонли қарорларида кўрсатилган олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминлаш, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва малакавий амалиётларини соҳавий корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан чамбарчас боғлаш, талабаларнинг амалий кўникмалари талаб даражасида шакиллантириш. Сув хўжалиги тармоғи учун мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий ва илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, ҳар бир талабанинг тегишли тармоқ (соҳа)нинг муайян ташкилотлари ва корхоналарида малакавий амалиётлари тизимли равишда ўтказилишини ташкиллаштириш, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва малакавий амалиётларини соҳавий корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан чамбарчас боғлаш, корхона ва ташкилотлар объектларида талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш ва устоз-шогирд тизими асосида ўтилишини таъминлаш ҳамда талабаларни ишлаб чиқаришнинг янги меъёрий ҳужжатлари, замонавий информацион дастурий таъминот билан яқиндан таништириш, тизимдаги корхоналар ва ташкилотларда талабаларнинг илмий ишларни бажаришга кўмаклашиш каби белгиланган вазифалар амалга ошириш мақсадида ушбу амалиёт дастури ишлаб чиқилган.



Қарорда таъкидланишича, юртимизда 4487 километр ирригация тизими каналларини, 5250 километр суғориш тармоғини, 3636 та гидротехника иншоотини, 495 та насос станциялари (агрегатлари)ни ва 1500 та тик суғориш қудуқларини, шунингдек, 7500 километр коллектор-зовур шахобчаларини, 13 та мелиоратив насос станциялари ҳамда 185 та тик зовур қудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш талаб этилади.

Сув ва ер ресурсларининг самарадорлигини ошириш учун деҳқончилик, гирригация ва мелиорация соҳасидаги илм-фан ютуқларини қўллаш орқали суғориладиган ерларни комплекс қайта тузиш, гидромелиоратив тизимларини такомиллаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш, замонавий унумли ва тежамкор суғорма деҳқончилик тизимини яратиш зарур.

“Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3702-сонли қарорларида кўрсатилган олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминлаш, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва малакавий амалиётларини соҳавий корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан чамбарчас боғлаш, талабаларнинг амалий кўникмалари талаб даражасида шакиллантириш. Сув хўжалиги тармоғи учун мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий ва илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, ҳар бир талабанинг тегишли тармоқ (соҳа)нинг муайян ташкилотлари ва корхоналарида малакавий амалиётлари тизимли равишда ўтказилишини ташкиллаштириш, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва малакавий амалиётларини соҳавий корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан чамбарчас боғлаш, корхона ва ташкилотлар объектларида талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш ва устоз-шогирд тизими асосида ўтилишини таъминлаш ҳамда талабаларни ишлаб чиқаришнинг янги меъёрий ҳужжатлари, замонавий информацион дастурий таъминот билан яқиндан таништириш, тизимдаги корхоналар ва ташкилотларда талабаларнинг илмий ишларни бажаришга қўмаклашиш каби белгиланган вазифалар амалга ошириш мақсадида ушбу амалиёт дастури ишлаб чиқилган.



## **1. Амалиётнинг мақсади ва вазифалари**

Ушбу дастурда 60812300 (5450200) – “Сув хўжалиги ва мелиорация” бакалавриат таълим йўналишида таълим олаётган талабаларнинг битирув малакавий иши (БМИ) олди амалиётини ўтказиш учун асосий йўриқнома бўлиб хизмат қилади.

Амалиётнинг асосий вазифаси талабаларнинг 3-босқичдаги ишлаб чиқариш амалиётининг мантиқий давоми бўлиб, БМИни сифатли ёзиш учун зарур бўлган иқтисодий ва бошқа кўшимча маълумотларни тўплашдан иборатдир. Амалиёт ўташдан олдин талабага илмий раҳбар БМИни тугаллаш бўйича ёзма топшириқ беради. Топшириқ танланган мавзуга мос объект бўйича табиий, иқлимий, техник ва бошқа маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва ҳисоботни тайёрлаш учун асос бўлади.

## **2. БМИ олди амалиёти объекти**

Талаба БМИ олди амалиётини қуйидаги корхоналарда олиб бориши мумкин: Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, ирригация тизими ҳавза бошқармалари, ирригация тизими бошқармалари, магистрал каналлар, лойиҳа институтлари, фермер хўжаликлари ва бошқа агросаноат мажмуига қарашли ташкилотлар.

Талаба амалиёт ўтказиш жараёнида топшириққа мос равишда бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тайёрлайди.

## **3. Амалиётга раҳбарлик қилувчининг вазифаси**

БМИ олди амалиётини ўтказиш «Сув хўжалиги ва мелиорация» бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режасига киритилган бўлиб, амалиётни ўтказиш бўйича малакали профессор-ўқитувчилар бириктирилади.

Ўқитувчининг раҳбарлик вазифасига қуйидагилар киради.

Раҳбар профессор-ўқитувчи БМИ олди амалиётга юбориладиган талабалар тўғрисида институт ректорининг буйруғидан кўчирма олиб, амалиётга борувчи талабалар билан учрашади.

Талабаларга амалиётни ўтказиш бўйича кафедра томонидан ишлаб чиқилган йўриқнома ёки методик кўрсатма ва ректорнинг буйруғи билан таништириш ишлари олиб борилади.

Талабалар илмий раҳбарлари билан учрашиб, БМИни ёзишда зарур бўладиган ёзма топшириқлар олади. Хусусан, амалиёт объектининг манзили, хизмат сафари бўйича расмий хужжатлар мавжудлиги, амалиётда бажариладиган ишлар, олинadиган иқтисодий кўрсаткичлар, амалиётни ўтказганлиги тўғрисида ҳисобот ёзиш ва уни расмийлаштириш, ҳимоя қилиш, маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва бошқалар. Талабаларнинг амалиёт объектлари бўйича раҳбар ўқитувчи, юқоридаги ишларнинг бажарилишини



назорат қилади. Ҳар бир талабанинг амалиётга бориши ва унга яратилган шароит ҳамда хавфсизлигини таъминлаш учун раҳбар ўқитувчи масъулдир. Агарда талаба ўз вақтида амалиёт объектига бормаган бўлса, раҳбар профессор-ўқитувчи кафедрага хабар беради. Талаба ҳисоботининг бажарилиши ва мазмуни бўйича ўз хулосасини кафедра томонидан тузилган амалиётни қабул қилиш ҳайъатига тақдим этади.

Объект томонидан тайинланган раҳбарнинг асосий вазифаси институт ректори буйруғи билан ташкилотга юборилган талаба ва унинг амалиёт раҳбарини қабул қилиб олади. Уларга турар жой, овқатланиш, ижтимоий шарт-шароитлар, амалиёт объектини ва қайси мутахассислар билан ишлаш режасини тузиб беради.

Корхона раҳбари талабаларга келган кунидан бошлаб, кафедра томонидан ишлаб чиқилган методик кўрсатма ва илмий раҳбарининг ёзма топшириқномаси асосида корxonанинг амалиёт дастурига тегишли бўлимларида бўлиб, иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини, бошқарув тизими ва БМИ учун зарур материаллар билан танишиш учун барча имкониятларни яратиб беради.

Раҳбар томонидан амалиёт муддати тугагандан кейин талабага тавсифнома, кундалик, ҳисобот яқунларини корхона мухри билан тасдиқлаш ишлари амалга оширилади.

Объект раҳбари талаба ва амалиёт раҳбари учун масъул ҳисобланиб, уларнинг иш фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш ишларини олиб боради.

#### **4. Талабанинг вазифаси.**

Талаба БМИ олди амалиётга боришдан аввал илмий раҳбари билан учрашиб, бажариладиган БМИ ҳолати ва учинчи босқичда ишлаб чиқариш амалиётидан олиб келган материалларнинг етарли эканлигини ҳамда зарур бўлган материалларни олиб келиш бўйича илмий раҳбаридан ёзма равишда топшириқ олади. Ушбу топшириқ асосида объект бўйича тегишли маълумотлар билан танишади.

Илмий раҳбари томонидан берилган топшириқ охириги 3 йиллик маълумотлардан иборат бўлиб, унинг нусхаси ҳисоботга тикилади. Объектдан топшириқ бўйича олиб келинган маълумотлар нусхасини ҳам ҳисоботга тикади. Талаба амалиётга бориш тўғрисидаги ректор буйруғи ва «Ирригация ва мелиорация» кафедраси томонидан ишлаб чиқилган йўриқнома ёки методик кўрсатма билан танишади, кафедра томонидан белгиланган амалиёт ўқитувчиси билан учрашиб амалиёт объектига бориш ва уни ўтказиш тўғрисида кўрсатмани, институт томонидан хизмат сафарига жўнаш



тўғрисидаги гувоҳномани, БМИ олди амалиётини ўтказиш тўғрисидаги институт ректорининг буйруғидан кўчирмани кафедрадан олади.

“Ирригация ва мелиорация” кафедрасидан амалиётга раҳбарлик қилувчи профессор-ўқитувчи билан учрашиб объектга боради. Корхона раҳбарига институт буйруғи ва амалиётнинг мақсадини тушунтиради. Хўжалик раҳбари талабаларни тегишли йўналишлар бўйича мутахассис ёки раҳбарга бириктиради. Ўқув амалиёти дастури бўйича керакли бўлимларнинг фаолиятини ўрганади. Ҳар куни ички тартибга риоя этган ҳолда, фаолият юритади. Кунлик қилинган ишларни амалиёт ўтиш кундалигига ёзиб, унга бириктирилган мутахассисга тасдиқлатиб боради. Амалиёт муддати тугагач, кундаликни тасдиқлатиб, олинган иқтисодий кўрсаткичлар асосида ҳисоботни тайёрлайди. Корхона раҳбари томонидан талаба иш фаолияти тўғрисида тавсиянома берилади (объект раҳбари томонидан тасдиқланиб муҳр қўйилади). Тайёр ҳисобот 2-3 кун муддат ичида кафедрада ҳисоботни қабул қилиш учун тузилган ҳайъатга ҳимоя учун тақдим этилади.

#### **5. Амалиёт тўғрисида ҳисобот тайёрлаш.**

БМИ олди амалиёти бўйича ҳисобот тайёрланади. Ҳисобот «Ирригация ва мелиорация» кафедраси томонидан тайёрланган «БМИ олди амалиётини ўтказиш тўғрисида методик кўрсатма» талабларига мос равишда расмийлаштирилади. Унда илмий раҳбарнинг ёзма топшириқномаси ҳамда кундалик иш дафтари бўлиши шарт. Топшириқда БМИ ёзиш учун ИТХБ ва фермер хўжалиги тўғрисида тавсифнома, унинг жойлашуви, ихтисослашуви, рельефи, чегараси, суғориш ва зах кочириш тармоклари тўғрисида маълумотлар, бошқариш тизими, эксплуатация харажатлари ва бошқаларга асосланиб, иловаларда келтирилган намуналар асосида ҳисобот тайёрланади. Ушбу ҳисоботни корхона (хўжалик) раҳбари томонидан белгиланган раҳбар текшириб ва асосий техник кўрсаткичлари асосида тайёрланганлигини асослаб, ташкилот раҳбари муҳр билан тасдиқлайди ва тавсифнома беради.

#### **6. Амалиёт тўғрисида ҳисоботни расмийлаштириш ва ҳимоя қилиш**

БМИ олди амалиётини ўтказгандан сўнг бажарилган ишлар бўйича 15-20 бет атрофида ҳисобот ёзилади. Ҳисобот кафедра томонидан ишлаб чиқилган методик кўрсатма асосида расмийлаштириб, қуйидаги ҳужжатлар тайёрланади:

1. Ҳисобот титул varaқаси – 1 бет.
2. Институт ректори томонидан амалиётни ўтказиш тўғрисида чиқарилган буйруқ ёки йўлланма нусхаси – 1 бет.
3. БМИ мавзуси, мундарижаси, топшириқнома ва календар режаси – 3 бет.
4. Илмий раҳбарнинг ёзма топшириқномаси – 2 бет.



5. “Ирригация ва мелиорация” кафедрасидан тайинланган амалиёт раҳбарининг хулосаси – 1 бет.

6. Амалиёт объекти ва унинг фаолиятида бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот – 5-6 бет.

7. Кундалик дафтар (ишлаб чиқариш объекти раҳбари ёки мутахассислари томонидан тасдикланиб муҳрланган ҳолда) – 1 та.

8. БМИ бўйича олинган иқтисодий кўрсаткичлар ва бошқа материаллар нусхаси.

9. Илмий раҳбарнинг амалиёт натижалари бўйича хулосаси – 1 бет.

Ҳар бир ҳужжатнинг намунаси иловаларда келтирилган.

Намуна асосида ҳужжатлар тайёрланади ва ҳисобот шаклида тикилади. Ҳисобот БМИ олди амалиёти тугаган кундан бошлаб 3 кун муддат ичида “Ирригация ва мелиорация” кафедрасига топширилади.

Кафедра мажлиси қарори билан амалиёт натижалари тўғрисида ёзилган ҳисоботларни баҳолаш ҳайъати тузилади. Ҳайъат раиси томонидан ҳисоботни қабул қилиш вақти ва жойи белгиланади. Ҳисоботни топширмаган, ҳимоя қилмаган ёки қониқарсиз баҳоланган талабаларга ҳайъат аъзолари талабанинг БМИ олди амалиётини қайта ўтказиш, БМИни ҳимояга қўйилмаслик тўғрисида қарор чиқаради.

БМИ олди амалиётини ўтамаган ёки ҳисоботни қониқарсиз бажарган талабалар ушбу қарорга асосланиб, факультет декани орқали институт раҳбарияти томонидан талабалар сафидан чиқарилади.

1-илова

Ҳисобот юзи

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

### “ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Гидромелиорация” факультети

“Ирригация ва мелиорация” кафедраси  
Битирув малакавий иши олди амалиёти бўйича



## ҲИСОБОТ

Талаба:

Ф.И.Ш.

Амалиёт раҳбари:

Ф.И.Ш.

Тошкент –202\_\_

2-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Гидромелиорация” факультети




“Ирригация ва мелиорация” кафедраси

*БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ ОЛДИ АМАЛИЁТИНИ ЎТАШ УЧУН*

## КУНДАЛИК ДАФТАРИ







Тошкент – 202\_\_

### НАМУНА

Кундалик дафтарнинг ички қисми

3-илова

---



---



---

Корхонанинг манзили ва номи

---



---



---

раҳбарнинг исми шарифи

### ЙЎЛЛАНМА

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Гидромелиорация” факультети “Сув хўжалиги ва мелиорация” йўналиши 3-курс \_\_-гуруҳ талабаси \_\_\_\_\_ Институт ректорининг “\_\_\_\_\_” июн 2022 йил № \_\_\_\_\_ сонли буйруғига асосан сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотга ишлаб чиқариш амалиётини 2018 йилнинг «\_\_\_\_\_» июлдан «\_\_\_\_\_» августгача ўташи учун жўнатилмоқда. Ушбу



талабага Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 май ПҚ-3003-сонли “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3702-сонли қарорлари ҳамда ўқув муассасалари билан сув хўжалиги ташкилотлари ўртасидаги алоқа тизимини такомиллаштириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 07-03-14-10-сонли йиғилиш баёнига асосан топшириқларни бажариш, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, талабаларининг БМИ олди амалиётини ташкилотларда ўтказишга шароит яратиб беришингизни сўраймиз.

Гидромелиорация факультети декани

А.Фатхуллоев

4-илова

“ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ” факультети  
60812300 (5450200) - “Сув хўжалиги ва мелиорация” таълим йуналиши  
3-курс \_\_\_\_ гуруҳ талабасининг

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ ОЛДИ АМАЛИЁТИНИ ЎТАШ  
КУНДАЛИГИ**

Фамилияси \_\_\_\_\_

Исми \_\_\_\_\_

Отасининг исми \_\_\_\_\_

Амалиёт ўтадиган жой \_\_\_\_\_

Амалиёт ўтадиган жойдаги раҳбар \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш., илмий унвон, лавозими)

Институтдаги раҳбар \_\_\_\_\_



Ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш вақти: “ \_\_\_\_\_ ” июл 202\_\_ йилдан  
“ \_\_\_\_\_ ” август 202\_\_ йилгача

“Ирригация ва мелiorация” кафедраси мудирини \_\_\_\_\_ Бегматов И.А.  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 202\_\_ йил.  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 202\_\_ йил.

5-илова

1. Талабанинг амалиёт ўтказиш учун тақвимий режаси

№	Иш жойи	Муддати	Корхонадаги амалиёт раҳбарининг имзоси

Институтдаги раҳбарнинг имзоси \_\_\_\_\_

6-илова

2. Талабанинг корхона бўлимида кундалик бажарадиган иши

Сана	Бириктирилган иш жойи	Бир кунда қилинган ишлар

Институтдаги раҳбарнинг имзоси \_\_\_\_\_

7-илова

3. Талабанинг хулоса ва таклифлари

---

---

---

Талабанинг имзоси \_\_\_\_\_

8-илова

4. “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети  
“Гидромелиорация” факультети “Сув хўжалиги ва мелiorация”



бакалавриат таълим йўналиши 3-босқич талабаси

Талабанинг Ф.И.Ш.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 202\_\_ йилдан «\_\_» \_\_\_\_\_ 202\_\_ йилгача бизнинг

корхона (хўжалик) номи

Ишлаб чиқариш амалиётини тугатди.

**КОРХОНАДАГИ (ТАШКИЛОТ, ХЎЖАЛИК) АМАЛИЁТ  
РАЎБАРИНИНГ ТАЛАБАГА БЕРГАН  
ХУЛОСАСИ**

М.Ў.

Корхона (хўжалик) раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

Ф.И.Ш.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

9-илова

**5. АМАЛИЁТ НАТИЖАСИ.  
ҲИСОБОТ ҚАБУЛ ҚИЛГАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИНИНГ  
ХУЛОСАСИ**

Талабанинг амалиётни ўзлаштириш кўрсаткичи (55-100 балл) \_\_\_\_\_

Ҳисоботни қабул қилган профессор-ўқитувчининг

имзоси \_\_\_\_\_

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

10-илова

**6. “Ирригация ва мелиорация” кафедраси ишлаб чиқариш амалиёти  
бўйича ҳисоботни қабул қилиш ҳайъати аъзолари таркиби:**

Раис: \_\_\_\_\_



Ф.И.Ш.

Аъзолар:

Ф.И.Ш.

Ф.И.Ш.

томонидан "Гидромелиорация" факультети 3-курс гуруҳ  
талабаси \_\_\_\_\_ нинг " " \_\_\_\_\_ йилдан  
" " \_\_\_\_\_ йилгача \_\_\_\_\_ да  
ўтказган ишлаб чиқариш амалиётидан ёзган ҳисоботи эшитилди.

Ҳисобот куйидагича баҳоланди: (55-100 балл)

Аъло \_\_\_\_\_

Яхши \_\_\_\_\_

Намунали \_\_\_\_\_

Қоникарли \_\_\_\_\_

Ҳайъат аъзоларининг имзоси:

1. \_\_\_\_\_

2. \_\_\_\_\_

3. \_\_\_\_\_

4. \_\_\_\_\_

**Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари**

#### **Асосий адабиётлар**

1. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.В. Qishloq xo'jaligi gidrotexnika melioratsiyasi. Darslik. –Toshkent: Sharq, 2009. –380 bet.

2. Хамидов М.Х., Маматалиев А.В. Irrigatsiya va melioratsiya. O'quv qo'llanma. Toshkent. TIQXMMI. 2019. –210 bet.

3. Бегматов И.А., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.В. Ирригация и мелiorация. Учебник. –Ташкент: Ит-ziyo-zakovat, 2022. – 472 стр.

4. М.Х.Хамидов, Х.Шукурлаев, Х.О.Лапасов "Қишлоқ хўжалик гидротехник мелiorацияси" фанидан амалий машғулотларни бажариш бўйича ўқув қўлланма. –Тошкент: ТИМИ, 2014. –320 бет.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016.-56 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлилий, катъий таритиб- интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. -104 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фарповонлигини гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. -486.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ПФ-4947-сонли фармони.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни. – 6 май 1993 й.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Ер Кодекси”. – 30 апрел 1998 й.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3702 сонли қарори.

12. Костяков А.Н. Основы мелиорации. Учебник. –Москва: Сельхозгиз, 1960. - 624 стр.

13. Сельскохозяйственные гидротехнические мелиорации. Практикум: Учебник. /Под ред. Рахимбаева Ф. М. –Ташкент: Меҳнат, 1988.-363 с.

14. Рахимбаев Ф.М., Шукурлаев Х.И, Қишлоқ хўжалигида зах қочириш мелиорацияси. Амалий ўқув дарслиги.–Тошкент: Меҳнат, 1996. – 204 б.

15. Қишлоқ хўжалигида суғориш мелиорацияси. / Рахимбоев Ф.М. ва бошқалар. Амалий ўқув дарслиги. –Тошкент: Меҳнат, 1994. – 326 б.

16. Қ.М.Қ. 2.06.03–97 – Суғориш тизимлари, лойиҳалаш меъёрлари. Тошкент: ИВЦ “АКАТМ”. 1997. – 101 б.

17. Ахмедов Х.А. “Суғориш мелиорацияси”. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1977. – 340 бет.

#### Интернет сайтлар

18. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

19. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

20. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz);

21. [www.bilim.uz](http://www.bilim.uz);

22. [www.agro.uz](http://www.agro.uz);

23. [www.icwc-aral.uz](http://www.icwc-aral.uz)

24. [www.icid.org](http://www.icid.org)